

БИЛАСИЗМИ? Ҳаммаси сув ҳақида



17:09 / 13.07.2020 6980

- Инсон танасининг тахминан 60 фоизи, чақалоқ танасининг 75 фоизи сувдан иборат, эркак вужудида 47, аёлникида 30 литр атрофида сув бўлади. Бир инсон олтмиш йиллик умри мобайнида тахминан 50 тонна сув истеъмол қилади.
- Инсон сувсизликка энг узоғи билан 11 кунгача чидаши мумкин, шунда ҳам ҳаво салқин бўлса. 36 даражали иссиқда одам ташналикка уч кунгина бардош бера олади.
- Одам танасидаги сув миқдори 5 – 8 фоизга камайса, оғиз қуруқшайди, тери бужмаяди, онг ўтмаслашади, кўзга ҳар хил нарсалар кўрина бошлайди. Бу рақам 14-15 фоизга етса, инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

- Катта ёшли киши бир кеча-кундузда 2-2,5 литр сув истеъмол қилиши керак, таом ва мева-сабзавотлар таркибидаги сув ҳам шунга киради. Ёзнинг иссиқ кунларида, спортчи, металлург, деҳқон, новвой касб эгалари учун бу миқдор хийла кўпроқ бўлади.
- Инсон танасидаги энг серсув аъзо – кўз. Унинг ўндан тўққиз қисми сув, қолгани турли тўқима ва ҳужайралардан иборат. Энг кам сувли аъзо тишларимиздир, уларда атиги 0,05 фоиз сув бор, холос.
- Буйрақлар бир йилда етти юз литр сувни тозалаб ўтказди.
- Ҳозир дунёда 1 миллиарддан ортиқ киши ёки жами аҳолининг олтидан бир қисми тоза ичимлик сувига муҳтож.
- Дунёда тахминан 500 миллион киши сув тақчиллиги кескинлашган минтақаларда яшайди.
- Яна 20 йилдан кейин сув етишмайдиган ўлкаларда яшовчилар сони олти бараварга кўпайиши кутилмоқда.
- Ҳозир Ер юзиде сал кам икки ярим миллиард киши сув тозалаш қурилмалари ва дренаж тизими орзулигича қолаётган ўлкаларда яшайпти.
- Сифатли ичимлик суви етишмаслигидан жаҳонда йилига 10 миллион киши нобуд бўлаётир.
- 1952 йили илк марта сотувда Тошкент маъданли суви пайдо бўлган.
- Қудуқ суви дунёда энг кўп фойдали моддаларни ўзида жамлаган сув ҳисобланади. Инсон бундай аралашмани ўзи тайёрлай олмайди.
- Дунёдаги энг қиммат сув Лос-Анжелесда сотилади. Бу сувнинг бир литри 90 доллар туради. Сувни кристаллар билан безатилган махсус идишларда сотишади. Ёшлар бу сувни асосан идишига қизиқиб сотиб олади.
- Одам ҳаёти давомида тахминан 35 тонна сув ичади.
- Югославияда Циркницкое деган кўл бор. Ёздан то қишгача кўлда сув бўлмайди. Баҳорда эса ичида балиғи билан яна пайдо бўлаверади.
- Сув табиатда уч хил кўринишга эга. Яъни қаттиқ (муз), суюқ ва газ ҳолатида. Ер юзиде экологик тоза сув атиги уч фоизни ташкил этади. У ҳам улкан музликлар таркибида бўлади.

- Энг серсув маҳсулот бу тарвуздир. Унинг 93 фоиз қисми сувдан иборат.
- Ер юзининг тахминан 70 фоиз қисми сув билан қопланган. Аммо бу сувнинг 1 фоизигина ичиш учун яроқли.
- Жазоирда бир кўл бор. Шу кўлнинг сувига ручка ёки қаламни ботириб бемалол қоғозга ёзса бўлади. Бу ёзувни эса кейин умуман ўчириб бўлмайди.
- Антарктидадаги бир кўлнинг суви денгиз сувига нисбатан 11 мартаба шўрроқ. Бу сув 50 даража совуқдагина музлаши мумкин.
- Танамиздаги сув миқдори атиги 2 фоизга қисқарса, ақлий имкониятларимиз 20 фоизга қисқариб кетаркан.
- Тиббиётчиларнинг айтишича, сув қон босимини туширишда ёрдам беради. Агар оёқ, қўл шишса, уларни йўқ қилиш учун иложи борича кўпроқ сув ичиш керак экан.
- Мутахассисларнинг таъкидлашича, депрессиядан халос бўлиш, асабни тинчлантириш учун бир стакан сув ичиш кифоя қиларкан.
- Дунёдаги ҳаёт учун энг хавфли сув Сицилияда мавжуд. Бу сув организмни заҳарлаб, ўлимга олиб борувчи кислотага эга.
- Бир куб сантиметр денгиз суви таркибида 1,5 грамм оқсил ва яна кўплаб витаминлар бор.

«Зукколар» китобидан

«Ҳилол» журналининг 6(15) сонидан